


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 20 декабрь, № 263 (7493) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЎЗБЕКИСТОН ВА ЯПОНИЯ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИГИДА ЯНГИ ДАВР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Япония Бош вазири Синдзо Абэнинг таклифига биноан расмий ташриф билан ушбу мамлакат пойтахти Токиода бўлиб турибди.**



Япония мўъжизасига дуч келмаган, унинг ақл бовар қилмас даражадаги юксак технологияларидан ҳайратланмаган одамни топиш қийин. Чунки ҳар куни бу мамлакатда ишлаб чиқарилган, инсон интеллектуал салоҳиятининг бемисл кашфиётлари бўлган кундалик рўзғор буюмларидан тортиб юқори технологиялар, сунъий интеллект ютуқларидан, бошқа минг-минглаб техникалардан фойдаланамиз, уларсиз ҳаётимизни тасаввур этолмаймиз.

Одамларда "бу Японияники" ёки "Японияда ишлаб чиқарилган" деган тушунчани пайдо қилиш учун япон халқига бор-йўғи ярим аср етарли бўлди. Лекин шу қисқа вақт ичида японлар бой табиий ресурсларсиз, инсон тафаккури билан ҳам мўъжиза яратишга қодирлигини исботлаб берди.

Ҳа, япон халқи ўз мўъжизалари билан қанча ҳайратлантирмасин бундан асло ғурурланмайди, аксинча, янада кўпроқ изланади, тиним билмайди, кашфиётлар қилишга интилади. Шу боис Япония кўчаларида хотиржам сайр қилаётган ёки дам олаётган одамни учратмайсиз, ҳамма ўз юмушига, кеч тушиши билан уйига шошади. Муболағасиз, ватанпарварлик, меҳнаткашлик, тадбиркорлик бу тиним билмас халқнинг қон-қонига сингиб кетган. Шу боис Япония ишлаб чиқариш ҳажми бўйича энг олдинги ўринлардан бирида туради, технологиялар экспорти бўйича дунёда етакчилардан саналади.

Ўзбек ва япон халқларининг ўхшаш жиҳатлари кўп. Миллий ва ахлоқий қадриятлар, бирдамлик, меҳнатсеварлик, меҳр-оқибат каби фазилатлар икки халқ учун бирдек хосдир. Бу мамлакатларимизнинг дўстлиги ва ўзаро ҳамкорлик муносабатларида яққол акс этмоқда.

Ўтган йилларда Ўзбекистон ва Япония икки ва кўп томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришда салмоқли ютуқларга эришди. Мамлакатимиз Япония билан самимий дўстлик алоқаларини, стратегик шериклик ва ҳамкорликни юксак қадрлайди. Япония Ўзбекистонни Марказий Осиё минтақасидаги муҳим ҳамкори сифатида эътироф этади.

Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Кунчиқар мамлакатга расмий ташрифини ҳар икки томон ўзаро муносабатлар тарихида муҳим воқеа, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, илмий-технологик соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантиришда муҳим қадам дея баҳоламоқда.

Японияга ташрифнинг учинчи куни ушбу мамлакат парламентининг қуйи палатасида учрашувдан бошланди. Давлатимиз раҳбари Вакиллар палатаси раиси Тадамори Осима билан Ўзбекистон — Япония парламентлараро муносабатларини янада ривожлантириш масалаларини муҳокама қилди.

Япония парламентининг Ўзбекистон билан дўстлик лигаси фаол ишлаётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Кунчиқар мамлакатнинг парламентаризм соҳасидаги тажрибасини ўрганиш бўйича қўшма тадбирлар ўтказиш ва ўзаро алмашинувларни кенгайтиришга келишиб олинди.

Учрашув сўнгида Ўзбекистон Президенти Япония парламенти қуйи палатаси спикерига юртимизда илк бор ўзбек тилига таржима қилинган ва чоп этилган Япония Конституциясининг биринчи нусхасини совға қилди.

Шавкат Мирзиёев Вакиллар палатаси мажлислари ўтадиган асосий зал билан ҳам танишди.

Давлатимиз раҳбари Япония парламентининг Маслаҳатчилар палатаси президенти Акико Санто билан учрашди.

Парламентлараро ҳамкорликнинг бугунги ҳолати, айниқса, жорий йилда қабул қилинган қўшма меморандум доирасида икки мамлакат қонун чиқарувчи органлари ўртасида фаол мулоқот олиб борилаётгани юксак баҳоланди.

Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди. Таълим, маданият, спорт, гуманитар алмашинув соҳаларида кенг имкониятлар мавжудлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари Япония парламенти Маслаҳатчилар палатаси сессиялари ўтказиладиган тарихий зал билан ҳам танишди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Токиодаги Акасака қароргоҳида Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) президенти Синичи Китаокани қабул қилди.

Учрашув аввалида Шавкат Мирзиёев Ўзбекистондаги ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш ва устувор дастурларни илгари суришга қаратилган кўп йиллик ҳамкорлик учун JICA раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Бугунги кунда шерикликдаги лойиҳалар қиймати 4 миллиард доллардан ошди. Узоқ муддатли ҳамкорлик бўйича умумий қиймати 3,5 миллиард доллардан зиёд бўлган, жумладан, энергетика, саноат ва қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, экология, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳалардаги лойиҳаларни ўз ичига олган янги дастур ўзаро келишиб олинди.

Кичик ва ўрта бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, таълим соҳасидаги алмашинувларни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон ва JICA ҳамкорлигидаги ҳар бир лойиҳанинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш мақсадида "Йўл харитаси" ишлаб чиқишга келишиб олинди.

Токио шаҳрида дунёга машҳур япониялик архитектор Тадао Андо Ўзбекистон давлат санъат музейини ривожлантириш концепциясига доир таклифларини тақдим этди.

(Давоми 2-бетда).

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.**

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ МДҲНИНГ НОРАСМИЙ САММИТИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йил 20 декабрь куни Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтадиган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар раҳбарларининг анъанавий норасмий учрашувида иштирок этади.**

Тузилмага аъзо давлатлар етакчилари МДҲ доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликнинг ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари юзасидан фикр алмашиши кутилмоқда.

Ҳамдўстликнинг октябрь ойида ўтган Ашхобод саммитида қабул қилинган қарорга мувофиқ, 2020 йилнинг 1 январидан МДҲга Ўзбекистон Республикаси раислик қилади.

**ЎзА.**

«The Economist»:

# ЎЗБЕКИСТОН — «ЙИЛ МАМЛАКАТИ»

***Буюк Британиянинг "The Economist" журнали талқинига кўра, Ўзбекистон 2019 йилда "Йил мамлакати" номига муносиб, деб топилди. Бу ҳақда журнал расмий сайтида маълум қилинди.***

**Эътироф**

Нашрнинг ёзишича, бу галги танловда ғолибни аниқлаш осон бўлмаган. Махсус экспертлардан иборат гуруҳ кўплаб давлатларнинг қўлга киритаётган демократик ютуқларига алоҳида эътибор қаратган. Бу борада Ўзбекистон катта ютуқларга эришаётгани тан олиниб, юртимиз "Йил мамлакати" дея эълон қилинди.

Ўзбекистонда мажбурий пахта теримининг бекор қилиниши ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар нашр томонидан юқори баҳоланган.

Хусусан, 2016 йилнинг кузидан республикада ислоҳотлар кенг миқёсда амалга оширила бошланди. Бу саъй-ҳаракатлар жадал суръатда давом эттирилмоқда, дея қайд этилган журналда.

"Ўзбекистонда мажбурий меҳнатга барҳам берилиши, минтақадаги энг катта қамоқхонанинг ёпилиши, хорижий журналистларнинг мамлакатга киришига кенг имкониятлар яратилганлиги ва қўшни давлатлар билан алоқани яхшилашда қатор чегара пунктлари очилиши ушбу давлатнинг "Йил мамлакати" мукофотига лойиқ кўрилишига асосдир.

Ўзбекистон ҳали узоқ йўл босиб ўтиши лозим, аммо 2019 йилда бошқа ҳеч бир мамлакат бу қадар олдинга силжишни амалга ошира олгани йўқ", дейилади "The Economist"да.

**«Халқ сўзи».**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Японияга биринчи расмий ташрифига бағишлаб 2019 йил 17 декабрда «The Japan Times» газетасида «Миллий сиёсат ва савдо муносабатлари барқарор ривожланмоқда» деб номланган махсус мақола чоп этилди. Қуйида ушбу мақоланинг таржимаси берилмоқда.**

# МИЛЛИЙ СИЁСАТ ВА САВДО МУНОСАБАТЛАРИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНМОҚДА

*Шавкат Мирзиёев Президент этиб сайланганидан буён ўтган сўнгги уч йил давомида ички ва ташқи сиёсатда туб ислоҳотлар жараёнини амалга оширмоқда.*

## ИЖТИМОИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР

Мамлакат Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинди. «Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари» деган ғоя бу жараёнда асосий йўналтирувчи куч бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Президенти инсон ҳуқуқлари соҳасидаги аҳволни яхшилаш, сиёсий маҳбусларни озод қилиш ва диний эркинликларни таъминлаш борасида муҳим чора-тадбирларни амалга оширди.

Ҳукумат томонидан кичик ва ўрта хусусий корхоналарни рағбатлантириш учун қатор ислоҳотлар ўтказилди. Бундан ташқари, пахтачилик, мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ва чорвачиликка ихтисослаштирилган қишлоқ хўжалиги корхоналари давлат томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда.

Олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида Ўзбекистондаги инвестиция муҳити, унинг жозибадорлиги сезиларли даражада яхшиланди, бу эса йирик ва етакчи хорижий компанияларни Ўзбекистон бозорига янада фаол кириб боришга ундади. Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон тарихида илк бор инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 38 фоиздан ортганини таъкидлади. Бюджет даромадлари қарийб 5,86 миллиард долларни ташкил этди.

2017 йил сентябрь ойидан бошлаб Ўзбекистон ўз миллий валютасининг эркин конвертация қилинишига тўлиқ ўтди. Халқаро молиявий институтлар, Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси билан ҳамкорлик муваффақиятли ривожланмоқда, Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан шериклик қайта тикланди.

Жаҳон банки ва Халқаро молиявий корпорация томонидан ҳар йили тузиладиган «Бизнес юритиш» ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтинги анча яхшиланди — мамлакат 2012 йилги 166-ўриндан 2017 йилда 76-ўринга кўтарилди.

## ТАШҚИ СИЁСАТ

Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда ташқи сиёсат сезиларли даражада фаоллашди, қўшни мамлакатлар билан муносабатларда конструктив ва вазмин сиёсат юритиш бошланди. Тинч ва иқтисодий жиҳатдан тараққий этган Марказий Осиё Ўзбекистон учун энг муҳим мақсад ва ташқи сиёсат соҳасидаги асосий устувор йўналишдир.

Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар, аввало, Шавкат Мирзиёев олиб бораётган сиёсат туфайли минтақада кейинги уч йилда сиёсий ишонч даражаси анча ортди. Қисқа вақт давомида минтақада мутлақо янги сиёсий муҳит яратишга эришилди.

Жорий йил 28 ноябрь куни Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё мамлакатлари давлат раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви минтақадаги барча давлатларнинг ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги қатъий интилишини яна бир бор тасдиқлади ҳамда минтақавий шерикликни кучайтириш билан боғлиқ масалаларни атрофлича муҳокама қилиш имконини берди. Учрашувда савдо, иқтисодиёт, инвестициялар, транспорт ва транзит, қишлоқ хўжалиги, саноат кооперацияси, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, энергетика, сув ресурслари, туризм, илм-фан ва маданият соҳаларида ҳамкорликни янада тараққий эттиришнинг истиқболли йўналишлари, шакл ва механизмлари ҳар томонлама кўриб чиқилди.

Бундан ташқари, Президент Шавкат Мирзиёев барча манфаатдор давлатлар билан ўзаро самарали ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган йўлни белгилаб берди. Ўзбекистон раҳбари АҚШ, Россия, Хитой, Германия, Франция, Туркия, Жанубий Корея, Бирлашган Араб Амирликлари ва бошқа мамлакатларга ташриф буюриб, ўзаро ҳамкорликни сезиларли даражада фаоллаштириш учун рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қиладиган самарали музокаралар олиб борди.

## ТУРИЗМ

Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Президенти этиб сайланганидан сўнг миллий иқтисодиётнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган туризм салоҳиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистонга келаётган хорижлик сайёҳлар сони кейинги уч йил мобайнида муттасил ортиб бормоқда. Истиқболда — 2023 йилга бориб Ўзбекистон бу кўрсаткични 10 миллионга етказишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Ўзбекистон улкан туризм салоҳияти ва ғоят бой маданий-тарихий меросга эга. Бу заминда пурвиқор тоғлар билан ўралган водийлар ва жазирама саҳролар, қадимий меъморий обидалари билан машҳур тарихий мажмуалар ва замонавий мегаполислар ажиб бир тарзда уйғунлашиб кетган. Ўзбекистонда 11 та миллий табиий боғлар ва давлат қўриқхоналари, 12 та махсус қўриқхона, 106 та музей, 37 та театр, 187 та маданият ва истироҳат боғи мавжуд.

Мамлакатда 7400 та маданий мерос объекти асраб-авайлаб сақланмоқда. Уларнинг 209 таси тўртта шаҳар-музейда — «Хива шаҳридаги Ичан қалъа», «Бухоро шаҳрининг тарихий маркази», «Шаҳрисабз шаҳрининг тарихий маркази» ва «Самарқанд — маданиятлар чорраҳаси» ҳудудида жойлашган бўлиб, ЮНЕСКО Жаҳон маданий мероси объектлари рўйхатига киритилган.

Ўзбекистон босқичма-босқич 86 давлат фуқаролари учун визасиз тартибни жорий этди, 77 давлат фуқаролари учун виза беришнинг соддалаштирилган тартибини қўлламоқда, 54 мамлакат фуқаролари учун эса, агар улар Ўзбекистон ҳудуди орқали транзит тарзида ўтаётган бўлса, соддалаштирилган тартибда виза олиш ҳуқуқи берилган.

2018 йилда ўзбек миллий таомлари «National Geographic» журналининг «Гастрономик туризм» номинациясида биринчи ўринни эгаллади, Ўзбекистон кўплаб хорижий нашрлар, жумладан, «The New York Times», «The Guardian», «Lovely Planet» томонидан саёҳат учун энг жозибадор ва қизиқарли йўналиш сифатида эътироф этилмоқда.

## ЎЗБЕКИСТОН — ЯПОНИЯ МУНОСАБАТЛАРИ

Япония 1991 йил 28 декабрь куни Ўзбекистон мустақиллигини тан олди. Дипломатик муносабатлар 1992 йил 26 январда ўрнатилди. Ушбу муносабатлар 2002 йил 29 июлда стратегик шериклик даражасига кўтарилди.

Япония Ўзбекистон учун вақт синовидан ўтган ишончли ва муҳим стратегик шерикдир. Ўзаро муносабатлар суръати томонларнинг манфаатли ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликни янада фаоллаштириш ва кенгайтиришга тайёр эканини кўрсатмоқда. Ўзбекистон халқаро ташкилотлар доирасида БМТнинг турли тузилмаларига кўрсатилган Япония номзодини доимий равишда қўллаб-қувватлаб келмоқда. Токионинг ташаббуси билан 2004 йилда минтақа мамлакатлари билан ҳамкорликни чуқурлаштириш мақсадида ташкил этилган «Марказий Осиё+Япония» мулоқоти икки томонлама ҳамкорликнинг муҳим механизмидир.

Ўзбекистонда 1999 йилдан бошлаб турли лойиҳаларни амалга оширишга, икки мамлакат ишбилармон доиралари ва жамоатчилиги ўртасида мулоқотни йўлга қўйишга кўмаклашаётган Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) ва Япония ташқи савдо ташкилоти (JETRO)нинг минтақавий офислари, шунингдек, Ўзбекистон — Япония маркази фаолият кўрсатмоқда. Японияннинг молиявий-техник кўмаги билан Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш, таълим, энергетика, транспорт, телекоммуникациялар ва бошқа йўналишларда бир қатор ижтимоий аҳамиятга молик ҳамда инфратузилмавий лойиҳалар амалга оширилди.

Савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантиришда Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Япония ва Япония — Ўзбекистон қўмиталари катта роль ўйнамоқда. Қўмиталарнинг 15-қўшма мажлиси 2019 йил июль ойида Токиода бўлиб ўтди.

Ўзбекистонда бугунги кунда Япониянинг «Marubeni», «Mitsubishi», «JOGMEC», «Toyota Tsusho», «Itochu», «Isuzu» ва бошқа етакчи компаниялари фаолият юритмоқда.

Бу борадаги ҳамкорликка «Ўзавтосаноат» акциядорлик жамияти ва Япониянинг «Isuzu» компанияси шериклиги мисол бўлиб хизмат қилади. «Isuzu» агрегатлари базасида Ўзбекистонда қарийб 12 мингта автобус ва 17 мингдан зиёд юк автомобиллари ишлаб чиқарилди. Юк автомобилларининг табиий газда ҳаракатланадиган янги моделларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Моделлар қаторини янгилаш, маҳаллийлаштириш даражасини чуқурлаштириш ҳамда Япониянинг илғор технологиялари ва ишлаб чиқариш жараёнларини жорий этишга катта аҳамият берилмоқда.

Халқларимиз ўртасидаги алоқалар кўп асрлик тарихга эга бўлиб, Буюк Ипак йўли энг равнақ топган даврларга бориб тақалади. Бу ҳамкорлик нафақат ЮНЕСКО Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган Самарқанд, Бухоро, Хива каби қадимги ва ҳозирги кунга қадар сақланиб келаётган шаҳарлар орқали савдо-сотиқ билан, балки бошқа қадимги цивилизация марказлари — Япониянинг Нара ва Киото каби тарихий шаҳарлари орқали маданий ва гуманитар алмашинувлар воситасида мустаҳкамланиб келган. Шу даврдан бошлаб Ўзбекистон ва Япония ўртасида бугунги кунда ҳам халқларимизнинг муштарак менталитетини белгилайдиган ижтимоий-маданий алоқалар ривож топди. Япониялик археолог олим Кюдзо Катонинг тадқиқотлари туфайли Ўзбекистон буддавийлик марказларидан бири бўлгани, ушбу таълимот Японияга милоддан аввалги II асрдан бошлаб айнан бугунги Ўзбекистон ҳудуди орқали кириб келгани исботланди.

1999 йилда «Ўзбекистон — Япония» дўстлик жамияти таъсис этилди, унинг асосий шериклари «Япония — Ўзбекистон» дўстлик ассоциацияси ва «Фукусима — Ўзбекистон» маданий-иқтисодий ҳамкорлик уюшмасидир. 2001 йилда Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ» Миллий кўргазмалар мажмуаси ҳудудида Япон боғи очилди. Бу ерда минглаб сакура дарахтлари экилган бўлиб, улар гуркураб ўсмоқда.

Ўзбекистонда япон фильмлари, бадиий кўргазмалар, япониялик санъаткорларнинг концерт ва спектаклларини намойиш этишни қамраб олган маданий тадбирлар дастури йилдан-йилга кенгайиб бормоқда.

# ЎЗБЕКИСТОН ВА ЯПОНИЯ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИГИДА ЯНГИ ДАВР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Маълумки, пойтахтимиздаги музейни комплекс реконструкция ва модернизация қилиш режалаштирилган. Ушбу лойиҳа доирасида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси хорижий мутахассислар билан ҳамкорлик қилмоқда. Японияликархитектор Тадао Андо шулар жумласидан.

Учрашувда меъмор томонидан Венадаги "Альбертина" музейи директори Клаус Шрёдер ва "Альтернатив Вельт" компанияси президенти Адриан Барсан билан ҳамкорликда тайёрланган тақдимот намойиш этилди.

Давлатимиз раҳбари ушбу лойиҳани музей ишининг замонавий талаблари ва меъморликдаги илғор ечимларни ҳисобга олган ҳолда тайёрлаш юзасидан ўз таклиф ва тавсияларини берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Японияга расмий ташрифи асосий тадбирлари 19 декабрь куни Токиода бўлиб ўтди.

Кантэй қароргоҳида расмий кутиб олиш маросими бўлди. Давлатимиз раҳбарини Япония Бош вазири Синдзо Абэ кутиб олди. Улар давлат байроқлари олдида қўл бериб кўришди.

Давлат мадҳиялари янгради. Шавкат Мирзиёев ва Синдзо Абэ олий мартабали меҳмон шарафига саф тортган фахрий қоровул олдидан ўтди. Уларга делегациялар таништирилди.

Шундан сўнг икки мамлакат делегациялари иштирокида музокара ўтказилди.

Япония ҳукумати раҳбари Президентимизни самимий қутлар экан, ушбу ташриф "Рэйва" ("Гўзал уйғунлик") даврининг биринчи йилида ўтаётганини алоҳида таъкидлади.

Токио мамлакатимиз билан дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият қаратаётгани қайд этилди.

Синдзо Абэ Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг миқёсли ислоҳотларни юксак баҳолади ва уларни тўлиқ қўллаб-қувватлашини билдирди. Давлатимиз Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликни жонлантиришга фаол ҳисса қўшаётгани таъкидланди.

Президент Шавкат Мирзиёев, ўз навбатида, Япония ҳукумати раҳбарига самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, япон халқини "Рэйва" даври бошлангани билан табриклади.

Мамлакатимиз етакчиси икки томонлама кўп қиррали шерикликни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш борасидаги интилиши қатъий эканини таъкидлади.

Япония ҳукуматига Ўзбекистондаги ислоҳотлар ва иқтисодий модернизацияни қўллаб-қувватлаётгани, шунингдек, юқори малакали кадрлар тайёрлашга кўмаклашаётгани учун миннатдорлик билдирилди.

Учрашувда конструктив сиёсий мулоқотни давом эттириш йўналишлари кўриб чиқилди. Долзарб халқаро аҳамиятга молик масалалар бўйича томонларнинг ёндашувлари яқинлиги қайд этилди.

Парламентлараро алоқалар, жумладан, Япония парламентидаги Ўзбекистон билан дўстлик лигасининг фаол иштироки доирасида жонланганни мамнуният билан қайд этилди.

Асосий эътибор мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни қўллаб-қувватлашга қаратилди.

Икки мамлакат етакчилари ўзаро савдо ҳажмини янада ошириш, инвестициявий, технологик, молиявий ва молиявий-техник ҳамкорликни кенгайтиришни таклиф этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Японияга ташрифи доирасида бўлиб ўтган икки томонлама тадбирларнинг натижалари катта мамнуният билан тилга олинди.

Энергетика, қазиб олиш тармоғи, машинасозлик, кимё саноати, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, туризм ва бошқа устувор йўналишларда, аввало, Япония етакчи компания ва банкларининг тўғридан-тўғри инвестициялари ва илғор технологияларини жалб қилган ҳолда истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш маъқулланди.

Делегациялар раҳбарлари Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги орқали молиявий ва молиявий-техник шериклик кенгайиб бораётганини олқишладилар.

Бундан ташқари, ҳудудлараро алоқаларни, тартибли меҳнат миграцияси, таълим, соғлиқни сақлаш, маданий алмашинув соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Асосий йўналишларда қўшма лойиҳаларни мувофиқлаштириш ва илгари суришнинг институционал механизмлари келишиб олинди.

Учрашув якунида томонлар музокара натижаларидан мамнун эканликларини билдирдилар, дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларининг янги даврини бошлаш борасида қатъий эканликларини таъкидладилар.

Япония Бош вазири Синдзо Абэ Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ўзи учун қулай вақтда мамлакатимизга ташриф билан келиш таклифини миннатдорлик билан қабул қилди.

Олий даражадаги музокаралар якунида икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Япония Бош вазири Синдзо Абэ Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш тўғрисидаги Қўшма баёнотни имзолади.

Икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида солиқ ва божхона соҳаларидаги ҳамкорлик, шунингдек, йирик инвестициявий ва инфратузилмавий лойиҳаларни амалга ошириш бўйича имзоланган битимлар алмашилди.

Булардан ташқари, Ўзбекистон делегацияси ташрифи доирасида иқтисодиёт, саноат, туризм, илм-фан, инновациялар, ахборот-коммуникация технологиялари, меҳнат миграцияси, таълим ва спорт соҳаларида, ҳудудлар ўртасида ҳамкорлик бўйича ўндан зиёд ҳужжатлар қабул қилинди.

Шундан сўнг икки мамлакат етакчилари оммавий ахборот воситалари вакиллари учун баёнот берди.

Давлатимиз раҳбари Япония билан кўп қиррали ва ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш ва янада кенгайтириш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканини таъкидлади.

— Бугун сиёсий, парламентлараро алоқалар, савдо ва инвестиция, инновация, кичик ва ўрта бизнес, фан ва таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик истиқболларини батафсил муҳокама қилдик ҳамда муҳим келишувларга эришдик, — деди Шавкат Мирзиёев. — Ташриф доирасида Япониянинг етакчи компания ва ташкилотлари билан йирик лойиҳалар бўйича битимлар имзоланди. Бу лойиҳалар, аввало, Япониянинг илм-фан ва юқори технологиялар соҳасидаги илғор ютуқларини Ўзбекистон иқтисодиётига жорий этишга қаратилгани билан айниқса эътиборлидир.

Япония Бош вазири, ўз навбатида, Президент Мирзиёев раҳбарлигида мамлакат иқтисодиётини либераллаштириш бўйича олиб борилаётган сиёсатни юқори баҳолади. Имзоланган салмоқли ҳужжатлар мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ва инвестициявий, маданий-гуманитар алоқалар кенгайишига хизмат қилишига ишонч билдирди.

— Биз жаноб Президент билан, Қўшма баёнотга асосланиб, Япония ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни ҳамма соҳаларда ривожлантириш бўйича елкадош бўлиб ишлаймиз, — деди Синдзо Абэ.

Халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар бўйича томонларнинг ёндашувлари яқинлиги яна бир бор тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Японияга расмий ташрифи давом этмоқда.

**ЎзА.**

# ЮКСАЛИШНИНГ НУРЛИ ЙЎЛИ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Японияга ташрифи доирасида сиёсий, иқтисодий ва бошқа масалалар юзасидан бир қатор учрашувлар режалаштирилгани, булар орасида мен таҳсил олаётган Нагоя университетига ҳам ташриф кутилаётганини эшитиб жуда хурсанд бўлдим. Табиийки, барча ватандошларимиз каби биз, талабалар учун ўз Президентимиз билан кўришиш, суҳбатида бўлиш зўр қувончли воқеа эди.*

Умуман олганда, давлатимиз раҳбарининг ўзаро ўхшаш миллий ва ахлоқий қадриятларга эга Японияга расмий ташрифи юртимизда кейинги йилларда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми ҳисобланади.

Нагоя университетида Президентимиз билан учрашиш бахтига муяссар бўлиш хаёлимга ҳам келмаганди. Учрашув олдидан Президентни кутиб турар эканмиз, барчамизни кучли ҳаяжон чулғаб олган эди. Ахир Президентнинг хориждаги талабаларга эътибори, ғамхўрлиги ва самимий муносабат билдириши фахр туйғусини янада кучайтиради, ғурурлантиради.

Бу туйғуни, айниқса, ўз Ватанидан узоқда, ота-онасини соғиниб, яқинларидан йироқда илм излаб юрган ёшларимиз ўзларига билдирилган рағбатнинг қудратини жуда яхши билади. Юртдан узоқларда таҳсил олаётган билим даргоҳинг-га Президентинг келиб, талабалар билан учрашса, қўллаб-қувватласа, янада олдинга интилишга ундаса, бундай фахр туйғусини унутиб бўладими?! Ҳеч қачон унутиб бўлмайди!

Нагоя университетида кўплаб давлатлар вакиллари таҳсил олади. Улар орасида дўстларим кўп. Муҳтарам Президентимизнинг университетга келиб, юртимиз ёшлари билан учрашгани дўстларимнинг ҳавасини келтирди. Чунки Нагоя университетида бир неча йил давомида ҳуқуқ соҳасида магистратура ва докторантурада ўқиган давримда бирор-бир хорижий давлат раҳбарининг университетга келиб, ўз фуқароларига гўёки фарзанди каби эътибор қаратганини, ёшларни қўллаб-қувватлаганини кўрмаганман.

Айниқса, давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида илмий-академик алмашувлар ва технологиялар трансфери бўйича Ўзбек — Япон қўшма фондини ташкил этишни таклиф этгани барчамизга чексиз қувонч ва юксак ишонч берди. Энди илмий тадқиқотларни, мен каби ёш олимларнинг илмий изланишларини амалга оширишда жуда кенг имкониятлар очилди. Алломалар нур — Шарқдан, дейишган, Президентимиз Японияга ташрифида мазкур фондни ташкил этиб, юртимиз ривожига ҳисса қўшиш мақсадида илм-фаннинг ҳар жабҳасида изланиб юрган олимларнинг илм йўлини мунаввар нур билан ёритиб берди.

Президентимиз мазкур фондни ташкил этишдан мақсад "ёшларимиз ўртасидаги алоқалар мустаҳкам бўлса, дўстлик ва ҳамкорлигимиз, албатта, самарали ва бардавом бўлади" деганида "замонавий тараққиётнинг калити айнан илм-фан ва таълимда эканини чуқур англаб, инсон капиталига инвестиция киритишни давлат сиёсати даражасига кўтарган" бу Инсоннинг нақадар илм-фан фидойиси, узоқни кўра оладиган донишманд инсон эканига учрашув залида ўтирганлар ҳам яна бир бор амин бўлди.

Нагоя университети тарихида муҳтарам Мирзиёев Шавкат Миромонович Нагоя университетига ташриф буюрган биринчи Президент экани, дунё президентлари ичида илк бор бизнинг Президентимизга Нагоя университетининг фахрий доктори унвони тақдим этилгани ҳар биримизнинг қалбимизда чексиз ифтихор туйғусини уйғотди.

Дунё илм-фанига физика ва кимё бўйича олти нафар Нобель мукофоти совриндорини етказиб берган Нагоя университетининг илмий дарғалари қаторига Ўзбекистон Республикаси Президенти — муҳтарам Мирзиёев Шавкат Миромонович ҳам қўшилди, бу юртимизда илм-фанга бўлган эътиборнинг ёрқин натижасидир.

Ўрни келганда, Нагоя университетидаги, жумладан, Тошкентга бориб биз — ўзбек ёшларига қарийб 20 йилдан буён сидқидилдан сабоқ берган устозларимга ҳам миллатимизга бўлган ишонч учун миннатдорлик билдираман. Японияда устоз ҳақида гап кетганда "Сенсеи" сўзи қўшиб айтилади ва улар жуда ҳам катта ҳурматга сазовор инсонлар ҳисобланади. Япон устозлари ўз шогирдлари билан шунчалик қунт билан ишлашадики, буни сўз билан таърифлаш қийин. Тошкент давлат юридик университетида ташкил этилган Япон ҳуқуқини тадқиқ қилиш маркази битирувчиларининг барчаси ушбу фикримга тўлиқ қўшилади, деб ўйлайман.

Муҳтарам Президентимизнинг Нагояга ташрифига тайёргарлик кўришда Нагоя университетидаги кўплаб устозларим ва масъул ходимлар, Нагоя университетини тамомлаб, ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга бевосита ҳисса қўшиб келаётган битирувчилар, шунингдек, айни пайтда Нагояда яшаётган ўзбек ёшлари ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшди. Зеро, уларнинг ушбу жараёндаги самимий меҳнати ҳам Президентимиз ташрифининг қувноқ ва ажойиб ўтишига хизмат қилди.

Япония ривожини ахборот технологияларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Деярли ҳар бир жараён компьютерлашган. Шу сабабли муҳтарам Президентимиз томонидан Нагояда таҳсил олаётган ҳар бир ўзбек талабасига энг охирги русумдаги ноутбук совға қилингани жуда катта хурсандчилик билан кутиб олинди. Улар сафида мен ҳам борлигимдан ғурурландим. Бу совға бизни янада тезроқ ва кўпроқ билим олишимизга имконият яратади. Ўйлайманки, ҳар бир талаба ушбу ноутбукдан фойдаланган ҳолда, эришган илм ва тажрибаларини юртимиз равнақига, Президентимизнинг ишончини оқлашга йўналтиради.

Давлатимиз раҳбарининг Японияга ташрифи давомида Ўзбекистондаги ислоҳотларни қўллаб-қувватлашга қаратилган узоқ муддатли ҳамкорликка оид жуда кўплаб келишувлар имзоланди. Буларнинг барчаси ҳақида ҳали кўп ёзилади. Мен муҳтарам Президентимнинг севимли университетимизга ташрифидан олган таассуротларимни баён этиш билан чекландим, холос.

Энди университетга ҳар сафар қадам қўйганимда, улуғ устозлар — дунё тан олган олимлар қаторида ўз миллатим фахри, Президентим ҳам борлигини ҳис қиламан. Бу жуда қувончлидир, зеро, бундай гўзал дамлар ҳар бир ёш олимни янада кучлироқ изланишга, янада тиришқоқ бўлишга, миллий тараққиётимизнинг янги Ҳаракатлар стратегияси доирасида Ўзбекистон илм-фани ривожига муносиб ҳисса қўшишга ундаши, шубҳасиздир!

**Умида ҲУСАИНОВА,**
**Нагоя университети докторанти.**

**ЎзА.**

# ЯРАТИЛАЁТГАН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ВА ШАРОИТЛАР УЛКАН МАРРАЛАР САРИ ЕТАКЛАЙДИ

*Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида қонун устуворлиги, унинг жамият тараққиётида тутган ўрни борасида тўхталар экан, "Ўзингиз айтинг, жойларда одамларнинг дарду ташвишларини, оила ва маҳалладаги аҳволни ким ҳаммадан кўра кўпроқ билади, ким ҳаммадан яхшироқ ҳис қилади? Албатта, ҳурматли ва меҳрибон аёлларимиз эмасми?" дея хотин-қизлар фаолиятига ҳам катта ишонч билдирди. Мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Элмира БОСИТХОНОВА билан шулар хусусида суҳбатлашди.*

**— Элмира Иркиновна, суҳбатимиз аввалида бугунги кунда хотин-қизларга қаратилаётган эътибор тўғрисида тўхталсангиз.**

— Дарҳақиқат, миллий тикланишдан миллий юксалиш сари олға интилаётган юртимизда хотин-қизларни эъзозлаш, уларга ғамхўрлик қилиш, ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоялаш, давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни ҳамда давлат бошқарувида фаол иштирокини таъминлаш, уларни раҳбарлик лавозимларига тайинлаш, айниқса, юртимизда давом этаётган муҳим сиёсий жараён — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловларда аёллардан номзодлар кўрсатилишига алоҳида эътибор қаратилганлиги давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида, шунингдек, "Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида яна бир бор ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Хотин-қизларга бўлган эътибор, бизни янада шижоат билан самарали меҳнат қилиш ва юксак марралар сари ундади.

Албатта, олиб борилаётган ишларимизнинг салмоғи ҳам, кўлами ҳам бекиёс. Жорий йилнинг ўзида хотин-қизларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи қатор Фармон ва қарорлар қабул қилинганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, Президентимизнинг 2019 йил 7 мартдаги "Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим аҳамият касб этади. Унда бола тарбиясидан тортиб оила, хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллиги — барча-барчаси қамраб олинган. Бу муҳим ҳужжатдан келиб чиқиб, қўмитамиз таъсисчилигида нодавлат нотижорат ташкилоти мақомига эга бўлган "Хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари"ни ташкил этдик.

Жорий йилда Конституциямизнинг 46-моддасига асосан "Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги ҳамда "Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди. Мазкур қонунларнинг тарғиботи муҳокамаси бўйича Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ ва Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда давра суҳбатлари ва семинарлар ташкил қилмоқдамиз.

**— Хотин-қизларнинг жамиятдаги нуфузи Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловлар жараёни фонида ҳам акс этади. Шундай эмасми?**

— Ҳақиқатан ҳам, бу муҳим сиёсий жараён фаолиятимизни янада кенг қамровда олиб боришимизга туртки берди. Сайловларда иштирок этаётган мавжуд 5 та сиёсий партия билан Меморандум имзоланиб, чора-тадбирлар режасини қабул қилдик, уларга ва сайловчиларга Мурожаатномамизни эълон қилдик. Марказий сайлов комиссияси билан ўзаро келишув Меморандуми имзоланди ҳамда "Йўл харитаси" ишлаб чиқилди.

Шу тариқа сиёсий ва ҳуқуқий билимли, фаол, инновацион ғояларга ҳамда ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган хотин-қизлардан иборат 6 минг нафардан ортиқ кадрлар захираси шакллантирилди. Бу борада Давлат бошқаруви академияси билан Меморандум имзоланиб, хотин-қизларнинг салоҳиятини ривожлантириш, сиёсатчи, раҳбар ва жамоат арбоблари сифатида ўзларини намоён қила олиш имкониятлари юзасидан изланишлар олиб бормоқдамиз. Мазкур ҳамкорликлар доирасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлигига бўлиб ўтадиган сайловларда аёлларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида жойларда 200 га яқин сиёсий ўқувлар, 52 та учрашув ва давра суҳбати ташкил этилди.

**— Кейинги йилларда юртимиз хотин-қизларининг ижтимоий фаоллашуви кучайиб бораётганини қандай изоҳлайсиз?**

— Бунинг сабабларидан бири, хотин-қизларимизнинг салоҳияти ва истеъдодини рўёбга чиқариш учун мамлакатимизда яратиб берилаётган шароит ва имкониятларда бўлса, иккинчиси, Президентимизнинг хотин-қизларга бўлган юксак ишонч ва эътибори ҳамда қўллаб-қувватлашида, деб ҳисоблайман. Зеро, Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида кўплаб аёлларимиз давлат ва жамият бошқаруви, иқтисодиёт, молия-банк, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва бошқа соҳаларда масъул раҳбарлик лавозимларига кўтарилмоқда.

Юртбошимизнинг хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш, уларга турли масъул вазифаларни ишониб топширишга қаратилган давлат сиёсати келажакда ҳам фаол давом эттирилиши ҳақидаги сўзлари ўзимизга бўлган ишончни мустаҳкамлади.

Масалан, Зулфия номидаги Давлат мукофоти нуфузи ошиб бораётганини ёш қизларимизнинг қизиқишлари, ижодкорлик салоҳиятларидан ҳам излаш жоиз. Талабгорлик кучайиши шундан. Бу борада талабни кучайтириб, мазкур мукофот комиссиясининг янгиланган таркибини тузишга мажбур бўлдик. Комиссиядан шаффофлик, ҳалоллик талаб этилиши биринчи ўринга қўйилди. Бу йилги Зулфия номидаги Давлат мукофоти учун ўтказилган танловнинг қуйи босқичида 5 минг 112 нафар номзод қатнашди. Ёки "Мўътабар аёл" кўкрак нишони билан тақдирлаш учун ҳам фан, таълим, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳалардаги мутахассислардан иборат комиссия таркиби шакллантирилди, халқ эътирофига сазовор бўлган, меҳнат фаолиятида кўплаб ютуқларга эришган, оиласи билан намуна бўлаётган минглаб номзодлардан энг яхшилари танлаб олинади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг 46 минг 725 та бошланғич ташкилоти фаолият олиб бормоқда. Уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш қўмита олдида турган долзарб вазифалардан биридир. Бинобарин, улар фаол иш олиб борса, мамлакатимиз хотин-қизларининг жуда кўп муаммолари бартараф этилиши ҳеч кимга сир эмас. Бошланғич ташкилотларнинг 70 фоизи жамоатчилик асосида фаолият юритяпти. 20 фоизига ташкилотнинг ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда иш ҳақига 20 дан 50 фоизгача устама ҳақи тўлаб келинмоқда. 160 та акциядорлик компанияси ҳамда масъулияти чекланган жамиятларда хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилоти учун алоҳида штатлар ажратилиб, ойлик маоши тўланиши йўлга қўйилди.

**— Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида келгусида ҳам оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, хотин-қизларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш доимий эътиборда бўлишини алоҳида таъкидлаши масаланинг ўта долзарблигини англатади, шундай эмасми?**

— Президентимиз Фармони билан тасдиқланган 2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси соҳа тараққиётида янги даврни бошлаб берди. Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 8 ноябрда қабул қилган "Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш тўғрисида"ги қарори аҳоли, айниқса, оналар ва болалар саломатлиги масаласи доим устувор туриши лозимлигига эътиборимизни қаратди.

Дарҳақиқат, оила, оналик ва болалик муҳофазасига оид кенг кўламли лойиҳаларни амалга оширишда давлат ташкилотлари билан бир қаторда, нодавлат ташкилотлар ҳам фаол иштирок этаётир. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан бир қатор давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда ижтимоий шериклик асосида амалга оширилаётган ишлар бунга мисолдир. Республикада кўп тармоқли марказий поликлиникалар негизида "Аёллар маслаҳат бўлими", "Қизлар маслаҳат марказ"лари, оилавий поликлиникаларда "Қизлар маслаҳат хонаси" ва "Саломатлик мактаблари" фаолияти йўлга қўйилганлиги, ҳафтанинг белгиланган кунида "Ҳомиладорликка мутлақ ва нисбий қаршилиги бўлган фертиль ёшидаги аёллар билан ишлаш" ҳамда "Ҳомиладор аёллар маршрутини белгилаш" каби мавзуларда йиғилишлар ўтказилаётгани яхши самара бераётир. Яъни оналар ва гўдаклар ўлими сони камайишига эришилмоқда.

**— Хотин-қизлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар содир этилиши ташвишли ҳолдир…**

— Бу масалага, албатта, бефарқ қараб бўлмайди. Бугунги кунда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчиликка қарши курашиш ва бу борада жамоат ташкилотлари томонидан таъсирчан назоратни таъминлаш масалаларига катта эътибор берилиб, манзилли ишлаш тизими жорий этилди. Жиноятчиликка мойиллиги бўлган хотин-қизлар билан якка тартибда иш олиб борилиб, бунда, асосан, жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган, судланган, ижтимоий-маънавий кўмакка муҳтож ва нотинч оилалардаги хотин-қизларга аҳамият қаратилмоқда. Жазони ижро этиш муассасаларидан қайтиб келган 492 нафар ва жиноят содир этишга мойиллиги бўлган 19 минг 469 нафар хотин-қизга мураббийлар бириктирилди.

> 2019 йилнинг 10 ойида Хотин-қизлар қўмитаси вакиллари 763 маротаба суд жараёнларида иштирок этиб, 263 нафар хотин-қиз кафиллигимиз асосида жазодан озод этилди. Бундай мисоллар кўп. Шунга мувофиқ, ички ишлар органлари тизимида хотин-қизлар масалалари бўйича 359 та лавозим жорий қилиниб, уларда айнан хотин-қизлар фаолият олиб боряпти. Бу тажрибамиз яхши самара бермоқда. Зеро, хотин-қизлар муаммоларини ҳал қилишда айнан опа-сингилларимизнинг иштироки жуда муҳим эканлиги давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Конституциямизнинг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида ҳам алоҳида айтиб ўтилди.

Бу масалада ҳам ечимини кутаётган муаммолар мавжуд. Жиноят содир этган, жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган ҳамда афв этилган хотин-қизлар билан манзилли ишлар олиб бориляпти, лекин биз энг асосий эътиборни ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга, Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумалар ўртасида маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этиш, ҳуқуқий саводхонлик соҳасида тушунтириш ва турли касбга ўқитиш ишларини ташкил этишга қаратишимиз зарур.

**— Бугунги кунда оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, ажримларнинг олдини олиш жамиятнинг энг долзарб муаммоларидан биридир. Қўмита томонидан олиб борилаётган ишлар бу масалалар ечимида қанчалик самара беряпти?**

— Дарҳақиқат, бундай муаммоларнинг кўпайиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Қизлар тарбиясига салбий таъсир этувчи омилларни таҳлил қиладиган бўлсак, булар оилавий ажрашишлар туфайли қизларнинг тўлиқсиз оилада улғаяётгани, ота-онасидан бири хорижга чиқиб кетгани боис улар ёлғизланиб қолиши, ёш қизлар оиласи ёки атрофида "оммавий маданият"га мойил хулқ-атворли шахсларнинг мавжудлиги, ижтимоий тармоқларнинг салбий таъсири, маҳаллаларда оилавий қадриятларнинг емирилиб бораётгани, қўни-қўшничилик, "Бир болага етти қўшни ҳам ота, ҳам она" тушунчасининг йўқолиб бораётгани, эҳтиёжманд оила муаммоларига маҳалла аҳлининг лоқайдлиги ва бошқалар эканлиги аён бўлади. Лекин бу муаммоларни буйруқ ёки кўрсатма билан ҳал этиб бўлмаслиги ҳам тушунарли. Мазкур масалада масъул ташкилотлар ҳамкорлиги жуда муҳим. Шунинг учун ҳам оилавий ажрашишларнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига судга ёки ФҲДЁ органларига ажрашиш учун ариза берган шахслар тўғрисида фуқаролар йиғинларини хабардор қилиш бўйича алоҳида норма киритилди. Олий суд билан Хотин-қизлар қўмитаси ўртасида Меморандум имзоланиб, ажрашиш учун ариза берганларни дастлаб Хотин-қизлар қўмитасида суҳбатдан ўтказиш йўлга қўйилди. Шунингдек, Олий суд ва Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида оилавий ажрашишларнинг олдини олиш бўйича сайёр қабуллар ташкил этилди. Кенг жамоатчилик вакилларининг ҳамкорликда олиб борган ишлари натижасида шу кунга қадар ажрашиш ёқасига келиб қолган оилаларнинг 24 мингга яқини яраштирилди.

> "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази томонидан жойлардаги Хотин-қизлар қўмиталари билан биргаликда ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш борасидаги ишлар самарадорлигини янада ошириш бўйича республиканинг 96 та туман ва шаҳрида "Бўлғуси келин-куёвлар инновацион мактаби" ташкил этилди. Уларда 12 минг 564 нафар йигит-қиз замонавий усуллар асосида ўқитилди.

ФҲДЁ органларида ташкил қилинган "Оила дорилфунунлари"да оила қурувчи ёшлар ҳаёт сабоқларидан дарс олмоқдалар.

**— Бугун замон ўзгариб бормоқда. Хотин-қизлар жамиятнинг фаол аъзоси, таъбир жоиз бўлса, янги ғояларни илгари сурувчи ихтирочилардир. Қўмитада бу борада қандай фаолият олиб борилмоқда?**

— Ихтирочи хотин-қизларнинг ютуқларини халқаро даражага олиб чиқиш асосий мақсадимиздир. Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетида жорий йилнинг 14-15 январь кунлари Корея Ихтирочи аёллар ассоциацияси ҳамкорлигида ўтказилган "Ихтирочи аёллар — 2019" кўргазмасида 200 нафар олима, тадбиркор ва ҳунарманд хотин-қиз иштирок этди. Уларнинг 30 нафарига Корея Ихтирочи аёллар ассоциациясининг халқаро сертификатлари топширилди.

Жорий йилнинг 20 — 23 июнь кунлари ўтказилган "KIWIE — 2019" XII Корея халқаро ихтирочи аёллар кўргазмасида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан юборилган юртимизнинг 12 нафар иқтидорли хотин-қизи қатнашди. Кўргазма ташкилий қўмитаси томонидан Ўзбекистон делегациясининг 2 нафар аъзосига "KIWIE — 2019" кўргазмасининг техника-технология ва косметология йўналишлари бўйича махсус совринлари (Гран-при) топширилди. Шунингдек, кўргазмада юртимизнинг ихтирочи аёллари 5 та олтин, 2 та кумуш ва 6 та бронза медални қўлга киритди.

Биз бундан кейин ҳам кенг қамровли ишларимизни изчил давом эттирамиз.

**Мунисхон КАРИМОВА**
**(«Халқ сўзи») суҳбатлашди.**

# «ЎЗБЕКИСТОН САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА ТЎЛА МОС КЕЛАДИ»

*Марказий сайлов комиссиясида Тожикистон Республикаси сайлов ва референдумлар бўйича Марказий комиссияси раиси Бахтиёр Худоёрзода, Индонезия Марказий сайлов комиссияси раиси Ариф Будиман ҳамда Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши бош котибининг ўринбосари Омер Кожаман билан учрашувлар бўлиб ўтди.*

## Сайлов — 2019

Экспертлар Марказий сайлов комиссияси таклифига биноан парламент ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказиш жараёни бўйича кузатувни амалга оширади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайловлар жамиятни демократлаштириш жараёни тобора кенгайиб бораётган шароитда ўтказилаётгани таъкидланди.

— Ўзбекистонга айнан сайлов жараёнларини кузатиш учун аввал ҳам келганман, — дейди **Тожикистон Республикасининг сайлов ва референдумлар бўйича марказий комиссияси раиси Бахтиёр Худоёрзода**. — Бу йилги парламент сайловлари янгича руҳда, яъни “Янги Ўзбекистон. Янги сайловлар” шиори остида ўтказилиши ҳамда ушбу муҳим тадбирга кўрилаётган тараддуд менда ўзгача таассурот қолдирди. Бу сайловчиларнинг конституциявий ҳуқуқи ва жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган демократик принциплар амалда таъминланаётганини яққол тасдиқлайди.

**Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши бош котибининг ўринбосари Омер Кожаман**нинг таъкидлашича, Ўзбекистон сайлов қонунчилиги халқаро стандартларга тўла мос келади. Айниқса, сайлов қонунчилигига киритилган сўнгги ўзгартиш ва қўшимчалар мамлакатда ижтимоий ва давлат қурилиши соҳасида амалга оширилаётган демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, меҳмонлар миллий сайлов қонунчилигимиз тубдан янгиланиб, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги юксалаётгани, сиёсий партиялар, фуқаролик жамияти институтлари роли тобора мустаҳкамланиб, сайловлар халқаро стандартларга мос, очиқ-ошкора ва шаффоф ўтиши учун барча шароит яратилганини юксак баҳолашди.

Кузатувчилар мамлакатимизда фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан тенг ҳамда эркин фойдаланишлари учун муҳайё этилган қулайликлар билан яқиндан танишиш имконияти учун мезбонларга миннатдорлик билдирдилар.

Шу куни Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев мамлакатимизга халқаро кузатувчи сифатида ташриф буюрган **Америка — Ўзбекистон савдо палатасининг раиси Кэролин Лэмм** билан учрашди.

Мулоқот чоғида мамлакатимиз сайлов қонунчилигидаги ўзгаришлар ҳақида сўз борди. Таъкидланганидек, сайловлар давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантириш институти сифатида жамият ҳаётида тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Кэролин Лэмм илгари ҳам Ўзбекистондаги сайлов кампанияларини кузатгани, бу галги сайлов жараёнларининг очиқ ва шаффофлиги кучайиб, сайловчиларнинг ҳам, номзодларнинг ҳам мулоқоти кенгайиб бораётганлигини эътироф этди, жамоатчиликнинг сайловларга нисбатан қизиқиши ортганлигини таъкидлади.

Томонлар сайлов халқаро андозаларга тўла мувофиқ ҳолда ўтишига ишонч билдирди.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ЎЗБЕКИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ИШТИРОКИ ИЛИҚ КУТИБ ОЛИНДИ

*Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси Туркий тилли давлатлар Парламент Ассамблеясининг тўққизинчи ялпи мажлиси ишида қатнашди.*

## Ҳамкорлик

Тадбир давомида Туркий тилли давлатлар Парламент Ассамблеяси (ТуркПА) доирасида иштирокчи мамлакатлар ўртасида амалий ҳамкорликни янада ривожлантириш, унинг фаолиятини кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Барча давлатлар делегациялари раҳбарлари Ўзбекистон делегациясининг ялпи мажлисдаги иштирокини қутлади ва бу туркий мамлакатлар учун навбатдаги тарихий воқеа сифатида баҳоланди.

Мажлис давомида Ўзбекистоннинг ТуркПАга қўшилиши келгусида мазкур ташкилотни янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ташкилотга аъзо давлатлар халқларини янада яқинлаштириш учун ташкилот имкониятларини кенгайтириши таъкидланди.

Ялпи мажлис якунлари бўйича қатор қарорлар қабул қилинди. Жумладан, ТуркПА хотин-қизлардан иборат парламент аъзолари гуруҳини ташкил этиш ва унинг фаолияти, ташкилот Котибияти тўғрисидаги низомлар, туризм ва туркий халқлар дунёсининг номоддий маданий меросини муҳофаза қилиш тўғрисидаги модель қонунлар тасдиқланди.

Туркий тилли давлатлар Парламент Ассамблеясининг навбатдаги мажлиси 2020 йилда Қозоғистонда бўлиб ўтади.

**Олий Мажлис Сенатининг Ахборот хизмати материаллари асосида М. КАРИМОВА тайёрлади.**




# «Беш ташаббус – беш китоб»

*Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Ғафур Ғулом нашриёти томонидан “Беш ташаббус — беш китоб” лойиҳаси доирасида чоп этилган китоблар тақдимоти бўлиб ўтди. Унда шоир, ёзувчилар, адабиётшунослар ва китобхонлар қатнашди.*

## Тақдимот

— Абдулла Қаҳҳор, Ойбек, Одил Ёқубов сингари улуғ адибларимизнинг асарлари адабиётимиз хазинасида алоҳида аҳамиятга эга, — дейди филология фанлари доктори, профессор Баҳодир Карим. — “Беш ташаббус — беш китоб” лойиҳасида китоблари чоп этилган ёзувчилар — Назар Эшонқул, Абдуқаюм Йўлдошев, Исажон Султон, Луқмон Бўрихон ва Зулфия Қуролбой қизининг асарлари ҳам маънавий ҳаётимизда муҳим ўрин тутади. Масалан, Назар Эшонқулнинг “Момоқўшиқ” номли китобига кирган ҳикояларда ўзбек характери, содда ва самимий қаҳрамонлар феъл-атвори юксак маҳорат билан тасвирланган.

Тадбирда Президент томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббуснинг ижтимоий, маънавий-маърифий ҳаётимиздаги аҳамияти хусусида фикр юритилиб, мазкур беш нафар ёзувчининг янги китоблари бу борада амалга оширилаётган ишларнинг мазмун-моҳиятини, аҳамиятини очиб беришга хизмат қилиши таъкидланди.

**Адиба УМИРОВА**
**(«Халқ сўзи»).**

# АФВ ЭТИШ — ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ОЛИЙ НАМУНАСИ

*Миллий қонунчилигимизда ҳар қандай жиноятга жазо муқаррар экани қатъий белгиланган бўлса-да, уларда жазони енгиллатиш, озод этиш, судланганлигини олиб ташлаш каби инсонпарварлик тамойилларига асосланган нормалар ҳам мавжуд. Жазони ижро этаётган маҳкумларга нисбатан қўлланиб келинаётган амнистия ва афв этиш шаклидаги инсонпарварлик актлари ҳам шулар жумласидандир.*

## Муносабат

Янгиланаётган Ўзбекистон шароитида Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, кейинги уч йилда мамлакатда суд-ҳуқуқ соҳасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётганининг гувоҳи бўляпмиз. Хусусан, содир этган жинояти туфайли қамоққа олинган шахслар ҳуқуқлари таъминланмоқда, инсон шаъни, қадр-қимматига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш асосий мезонга айланаётир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 2016 йилда давлатимиз раҳбари томонидан илк маротаба маҳкумларга нисбатан афв этиш институти қўлланилди.

Бу институтнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, ҳар бир маҳкумга нисбатан унинг қилган жинояти, жазони ижро этиш мобайнида ўз қилмишидан пушаймонлиги, чин дилдан тузалиш йўлини танлаганига қараб индивидуал ёндашилади. Ўтган қисқа давр мобайнида, яъни уч йил ичида қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва қатъий тузалиш йўлига ўтган 4 мингдан зиёд маҳкумлар афв этилди.

Давлатимиз раҳбари бу йил ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида жиноий қилмишига чин дилдан пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган 92 нафар маҳкумни афв этиш, уларни эркин ҳаётга қайтариш тўғрисидаги Фармонни имзолаганини айтганида жамоатчилик олқишлар билан кутиб олди.

92 нафар маҳкум... Уларнинг ҳар бири ортида кўзи тўрт бўлиб кутаётган оила аъзолари, яқинлари турганлигини инобатга олсак, фарзандининг “Дадам қаерда, қачон келади?”, деган саволига жавоб тополмай, юрак-бағри эзилган келинчаклар, қариндош-уруғ, маҳалла-кўй, бутун жамоатчиликни кўз олдимизга келтирсак, унинг моҳиятини янада теранроқ англаймиз.

Давлатимиз раҳбари маҳкумларни нафақат жазодан озод этди, балки уларнинг жамият ҳаётига мослашиши, яхши яшаши, меҳнат қилиши, тадбиркорлик билан шуғулланиши, бунинг учун банклардан кредитлар ажратилиши, ёлғиз ва кексаларни Меҳрибонлик ҳамда Саховат уйларига жойлаштириш, соғлом ҳаёт кечиришларини таъминлашга кўмаклашиш борасида берган топшириқлари инсонийлик фазилатларининг яққол намунаси бўлди.

Афв этилганларнинг жамият томонидан маънавий-руҳий жиҳатдан қўллаб-қувватланиши, уларга ижтимоий-иктисодий кўмак берилиши, жамиятга мослашиш ва соғлом ҳаёт кечиришларини таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари халқимизнинг нақадар инсонпарварлигини яна бир карра намоён қилади. Бу, ўз навбатида, юртдошларимизда, айниқса, ёшларда ҳамжиҳат яшаш, ҳалол меҳнат қилиш, соғлом турмуш кечириш, намунали оила барпо қилиш, жисмоний ва маънавий соғлом фарзандларни вояга етказиш, шунингдек, қонунларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш ҳиссини тарбиялашга ҳам хизмат қилади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноятчилик ҳолатларининг келиб чиқишида қисман бўлса-да, барчамизнинг айбимиз борлигидан келиб чиқиб, бунинг сабабларини бартараф этиш, унга қарши кураш механизмларини янада такомиллаштириш юзасидан таклифларимизни беришимиз, яъни фаоллашишимиз керак бўлади. Ана шунда биз афв этилган юртдошларимизнинг ўз оиласи ва фарзандлари бағрида янги ҳаёт бошлаши ҳамда соғлом турмуш кечириши учун елкадош бўламиз.

**Одинахон ЖАМОЛДИНОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлиси**
**Қонунчилик палатаси депутати.**

# ПРЕЗИДЕНТ МАКТАБИ ЎҚУВЧИЛАРИ

## ХАЛҚАРО ОЛИМПИАДАЛАРДА ҚАНДАЙ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШМОҚДА?

*Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар ўқувчилари дастлабки муваффақиятларни қўлга киритмоқда.*

## Хушхабар

Хусусан, яқинда Қатар давлатининг Доҳа шаҳрида ўтказилган Халқаро ёшлар илм-фан олимпиадаси (IJSO — 2019)да ўзбекистонлик ўқувчилар илк бор иштирок этиб, доимий аъзолик ҳуқуқига эга бўлди. Мазкур олимпиадада Тошкент шаҳридаги Президент мактаби ўқувчиси Муҳаммадризо Мажидов бронза медаль билан тақдирланди.

Ушбу мусобақада 70 давлатдан 409 нафар ўқувчи, жумладан, Жанубий Корея, Хитой, Гонконг, АҚШ, Буюк Британия, Канада, Австралия каби таълим тизими ривожланган мамлакатлардан иқтидорли ёшлар қатнашди.

Яна бир ажойиб хушхабар бизни узоқ куттирмади: ўзбекистонлик ўқувчиларнинг янги ғалабаси якун топаётган йил сарҳисобида зарҳал ҳарфлар билан битилди. Шу йилнинг 10 — 15 декабрь кунлари Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида ўсмирлар ўртасида ўтказилган III халқаро интеграциялашган, яъни бир вақтда математика, физика, кимё фанлари бўйича ўтказилган фан олимпиадасида Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар ўқувчилари муносиб қатнашиб, юртимиз номини яна бир бор дунёга танитди. Тошкент шаҳридаги Президент мактабининг 10-синф ўқувчиси Дониёр Воисов бронза медаль совриндори бўлди. Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги Халқаро математика мактабининг 3 нафар ўқувчиси: Анвар Раҳматов 2-ўрин, Севара Остонова 3-ўрин, Тўймурод Қодиров фахрли иштироки учун диплом билан тақдирланди.

**Дилшод КАРИМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ЖАМИЯТ МАНФААТЛАРИНИНГ МУШТАРАК ИФОДАСИ

*Бугунги кунда юртимизда жадаллик билан юз бераётган ривожланишлар халқнинг маънавий-руҳий эҳтиёжига айланиб бормоқда. Руҳиятга янги қадриятлар кириб, бунёдкорлик йўлида тинчлик бермаётгандек, назаримизда. Энг асосийси, шу аснода одамларнинг фикри, дунёқараши ўзгармоқда. Энди улар ҳамма нарсага кўр-кўрона ишонадиган, ким нима деса, орқасидан эргашиб кетаверадиган, ҳаётнинг пасту баланди, ишнинг фойдаю зарарини билмайдиган, олиб келса ейдиганлар хилидан эмас. Аксинча, улар ҳар бир нарсани ақл тарозисида ўлчаб кўрадиган, ўзининг, юртининг манфаатлари уйғунлигини англаган ҳолда, давлат ва ҳокимият органлари билан шерикчилик қиладиган, уларнинг фаолиятини онгли равишда кузатиб борадиган, ўз ҳаётининг бунёдкори бўлган фуқароларга айланиб бормоқда.*

## Нуқтаи назар

Ҳар бир шахснинг эрки, қадр-қиммати устуворлиги миллий юксалишга элтувчи йўл демакдир. Миллатнинг адолатли жамият барпо этишга бўлган орзу-интилишларининг амалий ифодаси ана шу эркин, руҳияти соғлом шахсларнинг ақл-идроки ва эътиқоди асосида ривожлантирилади. Бинобарин, миллатнинг адолат ҳамда ҳақиқатга амал қилиб яшай олиш иродаси ва бунда фидойилик намунаси жамиятда ижтимоий ахлоқнинг юксалишига, давлат сиёсатининг адолатпарварлигига олиб келувчи ўзаро боғлиқ жараёнлар ҳосиласидир.

Шу маънода, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Конституциямиз қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган маърузаси юксалиб келаётган миллатнинг муштарак талаб ва эҳтиёжлари моҳиятини очиб берди. Бу моҳият ижтимоий тараққиёт қонуниятларининг янги босқичида кечиктириб бўлмас вазифаларни нафақат давлат, балки халқнинг юксак хоҳиш-иродаси билан таъминланиши муқаррарлигига асосланди. Бинобарин, халқимиз ана шу эркинлик ҳуқуқларига эришиш йўлида салбий иллатларга муросасиз кураш эътиқоди билан юксалиш пойдеворини яратади. У бошқача бўлолмайди. Миллий юксалиш халқнинг жавобгар ва масъул эканлигини англаб бориши билан тараққиёт кафолати бўлиб хизмат қилади. Халқ ҳокимиятнинг бирдан-бир манбаи сифатида ўз тақдирининг бунёдкорига айланиши билан ривожланиш одимларини белгилайди. Давлатчилик ривожининг ана шундай фалсафий ва ўзгармас қонуниятлари таҳлилига бағишланган маъруза олимлар ва жамоатчилик эътиборини жалб қилди.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислоҳотлар шахс, оила, жамият манфаатларига муштарак эканига амин бўлиб бормоқдамиз. У халқ ва давлатнинг якдил мақсадлари рўёби амалда исботини топиб келмоқда. Улар мустақиллик одимлари улғайган сари ўзбек миллатининг ҳуқуқларига бўлган интилишлари ҳам ортиб бораётганлигидан далолат бермоқда.

Бугун инсоннинг озод ва эркин яшаши, мулкка эга бўлиши, таълим олиши, меҳнат қилиши, сайлаш ва сайланиши каби ҳуқуқлари, сўз ҳамда эътиқод эркинликлари ислоҳотларимизнинг ҳал этувчи кафолати эканлиги тобора равшан бўлиб бораётир. Эркин қалбда имон, виждон ва ор-номус нафаси ҳар қандай машаққатли тўсиқларни енгиб ўтишда миллий иттифоқни ифода қилади. Президент Шавкат Мирзиёев алоҳида қайд этганидек, “Айнан шу сабабли Конституциямизни эҳтиром билан улуғлашимиз, ҳар томонлама ўрганишимиз, унга изчил амал қилишимиз, аждодларимизнинг буюк мероси ва умуминсоний қадриятларни ёшларимиз қалбига сингдиришимиз зарур”.

Мустақиллик йилларида миллий қадриятларимизни фуқароларимизнинг онгу шуурига сингдириш, ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган кенг кўламли тадбирлар амалга оширилди. Аммо жамиятда қонун устуворлиги фуқароларимизнинг қалбида чуқур ўрин эгаллаши ҳамда ижтимоий эҳтиёжга айланиши бу алоҳида олинган соҳа эмаслиги ислоҳотлар пировардида англаб етилди. Ҳуқуқий онг ва маданиятнинг юксалиши жамиятда янгиланаётган давлатнинг халқчил сиёсати ҳамда ижтимоий муносабатларнинг адолатли тақсимоти билан ўзгариши демакдир. Улар талаб ва эҳтиёжларнинг уйғунлиги каби бири иккинчисининг вужудга келишига хизмат қилади. Зеро, бундай уйғунлик йўқ экан, ислоҳотлар фақат иқтисодий омиллар билан самара бермайди. Ана шу нуқтаи назардан Президентимиз маърузада қонун устуворлигини таъминлашнинг бешта шартини илгари сурди. Улар:

**Биринчидан,** қонунлар ижросини самарали ташкил этиш, тизимли муаммоларни олдиндан кўра билиш, қонун бузилишининг салбий оқибатларига қарши курашиш, уни мунтазам самарали таъсирини мониторинг қилиб бориш, тақиқловчи, чекловчи, огоҳлантирувчи тизимни шакллантириш билан маънавий ва моддий ресурсларимизни ортиқча харажат қилиш иллатларидан қутулишга қаратилади. Бундай ёндашув ҳуқуқий давлатчилик асосларини мустаҳкамлашга, ислоҳотлар ривожини кафолатлашга хизмат қилувчи янгича ёндашувлар қаторига киради. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, ижтимоий ҳаётимиз устидан экспериментлар ўтказиш анъанаси мутлақо барҳам топиши лозим.

Бунда “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонун асосида ҳар бир субъектнинг масъулият ва жавобгарлик мезонлари аниқ белгиланишига эришиш ва амалда таъминлашнинг назорат механизмларини ташкил этиш муҳим қадамлардан бўлиб ҳисобланади. Зеро, ҳар қандай қонун ўз-ўзидан ишга тушмайди. Аслида ушбу ҳужжат фуқароларнинг давлат ва жамият олдидаги вазифаларини бажаришга доир конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишнинг таъсирчан механизмидир. Лекин давлат органларининг фуқаровий институтлар билан тенг бўлмаган ваколатлари шароитида ушбу қонуннинг ижросини амалда таъминлаб бўлмаслиги, айни пайтда, айрим раҳбарларнинг вазифаларини англаб етмаслиги, баъзида суиистеъмол қилиши каби муаммолар танқид остига олинди. Ваҳолонки, “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, маъмурий судлар давлат органлари ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишга масъул қилиб белгиланган. Қонуннинг асосий вазифалари маъмурий органлар билан муносабатларда қонун устуворлиги, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган.

**Иккинчидан,** Конституция ва қонун устуворлигига эришишда жамоатчилик назорати самарали восита эканлигига эътибор қаратилди. Сўнгги икки-уч йилда матбуот ва сўз эркинлиги борасида давлатнинг алоҳида аҳамияти натижаларини кузатиб турибмиз. Халқимиз давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига муносиб баҳо бериш, ҳокимият фаолиятида иштирок этишда сезиларли эркинлик сиёсатини намоён қилмоқда. Бу, ўз навбатида, халқ давлат идоралари учун эмас, давлат идоралари халқ учун хизмат қилаётганлигидан далолат беради. Бу борада Президентимиз жамоатчилик назорати, биринчи навбатда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари, молия, банк, таълим, соғлиқни сақлаш, коммунал хўжалик, энергетика ва транспорт соҳаларида жорий этилишини, шунингдек, бозорлар ва савдо мажмуаларидаги маҳсулотлар ҳамда хизмат кўрсатиш сифати каби масалалар ҳам доимо жамоатчилик назоратида бўлиши лозимлигини таъкидлади.

> Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Конституциямиз қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган маърузаси юксалиб келаётган миллатнинг муштарак талаб ва эҳтиёжлари моҳиятини очиб берди. Бу моҳият ижтимоий тараққиёт қонуниятларининг янги босқичида кечиктириб бўлмас вазифаларни нафақат давлат, балки халқнинг юксак хоҳиш-иродаси билан таъминланиши муқаррарлигига асосланди.

**Учинчидан,** оммавий ахборот воситалари қонунийликни қарор топтиришда чинакам “жамият кўзгуси”га айланиши тўртинчи ҳокимиятнинг вужудга келишига хизмат қилади. Сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган ислоҳотлар ўтган уч йилда жамиятимиз ҳаётида туб бурилиш ясади. Маърузада ижтимоий муаммоларни кўрсатиб бераётган энг катта куч — мустақил ва холис оммавий ахборот воситалари вакиллари эканлиги алоҳида қайд этилди. Айниқса, демократик ислоҳотларимиз натижасида оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар давлат идоралари ҳамда мансабдор шахсларни ўз ишини қонуний асосда тўғри ташкил этишга қаратилган даъватлари фуқароларнинг муаммоларини ҳал этишда катта аҳамият касб қилмоқда. Бу борада “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонунда кўзда тутилган матбуот хизматлари ҳокимият ва фуқаролик институтлари ўртасида чинакам ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишда ҳуқуқий ваколатлар беришга қаратилганлиги, айни пайтда давлат органлари фаолияти тўғрисидаги маълумотларни жамоатчиликка тўлиқ ва тезкор етказишда самарали натижаларни бермоқда. Мазкур натижалар давлат хизматчилари оммавий ахборот воситалари билан яқин ижтимоий ҳамкорлик қилишининг самарали алоқаларини шакллантиришда ва халқимизнинг турмуш шароитини кўтаришда намоён бўлмоқда.

**Тўртинчидан,** қабул қилинаётган қонунлар олиб бораётган ислоҳотларимиз билан уйғун бўлган тақдирдагина ишлайди. Қонунлар жамият ҳаётининг барча соҳасида амалга оширилаётган ўзгаришларни қўллаб-қувввватлаш, тўсиқ ва чекланишларни фош қилиш, коррупцион иллатларга муросасиз бўлиш, халқнинг бунёдкорлик ва яратувчанлик ташаббусларини рағбатлантириш каби қатор вазифаларни бажаргандагина самара беради. Қонунлар инсон манфаатлари гарови сифатида ҳар бир ташкилот, муассаса ва турли жамоаларнинг амалий фаолиятига кўчиб ўтиши билан ҳуқуқий рағбатнинг кафолатига айланади. Афсуски, кўплаб қонунларнинг қабул қилиниши биланоқ қоғозларда қолиб кетиш ҳолатлари уларнинг оммавий ва халқчил аҳамиятини туширишга, оқибатда халқнинг ўринли эътирозлари келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Эндиликда ҳар бир қонун ва Президент фармонлари ижросини татбиқ этишнинг турли муқобил назорат механизмларини ташкил этиш эҳтиёжи кўзга ташланмоқда.

**Бешинчидан,** қонунлар қанчалик мукаммал бўлмасин, қандай ислоҳотлар ўтказилмасин, агар фуқароларимизнинг ҳуқуқий билими, онги ва маданияти етарли бўлмаса, кутилган натижаларга эришиш мушкул. Ҳуқуқни англаш — масъулиятни англаш демакдир. Бошқача айтганда, Конституция ва қонунларга ҳурмат, ҳуқуқий онг ва маданият ҳар бир фуқаронинг, ҳар бир мансабдор шахснинг ҳаёт ва фаолият тарзига айланмоғи борасида турли омилларнинг ижтимоий асосларини уйғунлаштиришга эришиш лозим бўлади. Дунё тажрибасида фуқароларнинг ҳуқуққа бўлган эҳтиёжини оширувчи иқтисодий-ижтимоий, сиёсий-психологик унсурлар мулк ва виждон эркинлигига нисбатан берилган имкониятларнинг реаллиги билан вужудга келади. Шу жиҳатдан давлат ўз ваколатларини фуқаролик жамиятига ўтказиб боришнинг соҳалар бўйича аниқ босқичларини ишлаб чиқиш асносида ўз фуқароларининг масъулиятини, айни пайтда, ҳуқуққа бўлган эҳтиёжини ҳам ошириб боради. Мажбурият йўқ экан, масъулият ҳам бўлмайди.

Албатта, ислоҳотлар бир текис кетмаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Бу муаммолар яна инсон омилига, ҳали шаклланиб улгурмаган бошқарув тизимларига бориб тақалади. Шунга қарамасдан, қанчалик оғир ва мураккаб бўлмасин, бугунги кунда зарур куч ва имконият, маблағ топиб, катта ижтимоий дастур ва лойиҳалар амалга оширилмоқда. Янги-янги корхоналар, йўл ва кўприклар, боғча, мактаб ҳамда шифохоналар, маданият ва спорт иншоотлари, кўплаб уй-жойлар қуриляпти.

Мамлакатимизда олиб борилаётган туб ўзгаришлар ҳуқуқий муносабатларга бўлган эҳтиёжларнинг ортиб бораётганлигидан далолат беради. Шу жиҳатдан, Президентимиз ҳар бир соҳа ва йўналиш, таълимнинг барча босқичи учун ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг илмий асосланган дастурларини тайёрлаш, Конституцияни ўрганишга жиддий ёндашиш лозимлигини таъкидлаб ўтди. Бу борада умумтаълим мактаблари учун “Конституция алифбоси”, “Конституция сабоқлари”, “Конституция асослари” каби дарсликларни яратиш, тегишли ўқитувчиларни тайёрлаш, услубий технологияларни такомиллаштириш таълим тизими зиммасидаги масъулият бўлса, унинг ифодаси жамиятнинг ахлоқий муҳитида намоён бўлиши лозим.

Миллатнинг тараққиёт сари юксалишга бўлган интилиши фалсафий ва назарий таълимотлар асосида шаклланади. Уларнинг изчил ва муросасиз татбиқи фуқароларнинг онги ҳамда маданияти билан амалда рўёбга чиқарилади. Ана шу икки қадрият давлат ислоҳотларида боғлаб олиб борилиши ривожланиш ва фаровонликнинг гарови бўлиб хизмат қилади. Шу сабабдан миллатнинг ижтимоий-сиёсий ривожланиш жараёнлари оғир ва машаққатли йўлларда бир хилда равон кечмайди. Зеро, табиат бағрида табиий қайта тикланиш қонунияти мавжуд бўлганидек, инсон ирсиятида ҳам эврилиш, таназзул ва яна қайта тикланиш, юксалиш жараёнлари ҳам кечади. Биз уни ўзгараётган миллатнинг орзу-истаклари билан боғлаймиз. Бинобарин, шу истакларда ғурур бор экан, халқнинг юксалиши ҳам муқаррар бўлади.

**Тўлқин АЛИМАРДОНОВ,**
**Ўзбекистон халқаро ислом академияси доценти,**
**сиёсий фанлар доктори.**

# ВЕТЕРИНАРИЯ ДОРИ ВОСИТАЛАРИ

## УЛАРНИНГ СИФАТИ ВА МУОМАЛАСИ ИЛМИЙ АСОСДА НАЗОРАТ ҚИЛИНМОҚДА.

*Қишлоқ хўжалиги, хусусан, унинг муҳим тармоғи ҳисобланган чорвачилик равнақида ветеринария хизматининг аҳамияти юқори. Мазкур йўналиш қанчалик ривожлантирилса, аҳолини хавфсиз ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш кўрсаткичлари ҳам шунчалик яхшиланади. Шу маънода, Президентимизнинг 2019 йил 28 мартдаги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 июндаги қарори асосида Ветеринария дори воситалари, озуқабоп қўшимчалар сифати ва муомаласи назорати бўйича давлат илмий маркази ташкил этилгани бежиз эмас.*

### Фармон ва ижро

— Бу ҳали ҳаммаси эмас, — дейди марказ директори Суннат Оққиев. — Илмий тадқиқот ишлари, моддий-техник базани мустаҳкамлаш, мутахассисларни қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш, шунингдек, ходимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси таркибида Ветеринария хизматини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилгани биз учун айни муддаодир. Чунки марказимиз зиммасига маҳаллий ва импорт қилинадиган ветеринария дори воситалари ҳамда озуқабоп қўшимчаларни ишлаб чиқариш, фойдаланишда ветеринария-санитария қоидаларига, меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя этилишини назорат қилиш, фан ютуқларини татбиқ этиш орқали янги дори воситаларини яратиш, уларни сақлаш, ташиш масалаларини ўрганиш, ҳайвонлар соғлиғига ёки улардан олинадиган маҳсулотлар сифатига таъсирини баҳолаш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш, мониторинг қилиш каби бир



қатор муҳим вазифалар юклатилди. Буларнинг барчаси, табиийки, ушбу жамғарма томонидан қўллаб-қувватланади.

Бугун марказда бу каби юмушларни бажариш учун ҳамма шароит яратилган. Аввало, бино таъмирланиб, замонавийлаштирилди. Зарур жиҳозлар билан таъминланди. Жумладан, Ветеринария хизматини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларнинг сифатини назорат қилиш, лаборатория синовлари ва таҳлилларини ўтказиш мақсадида Жанубий Корея, Япония, Австрия, Хитой, Россия каби давлатлардан 381 минг АҚШ долларилик 39 турдаги ускуналар харид қилинди. 163 миллион сўмлик мебеллар сотиб олиниб, 200 миллион сўмлик жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Бу жиҳозлар ёрдамида ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга, сифат кўрсаткичлари ҳамда тавсия этилган синов усуллари ўтказилишига мувофиқлиги ўрганилади.

— Масалан, мана бу ускуна ёрдамида таблеткалар ўзига хос тестдан ўтказилади, — дейди бўлим бошлиғи Фахриддин Умаров. — Яъни бунда дори воситасининг мустаҳкамлиги, эрувчанлиги, синувчанлиги, шакли аниқланади. Айтайлик, таблетка белгиланган меъёрдан катта бўлса, аппарат уни синдиради, аксинча, кичик бўлса, ташқарига чиқариб ташлайди. Демак, у стандартга мос эмас. Бу ускунада, шунингдек, сув ҳарорати чорва моллари тана ҳароратига мослаштирилиб, дори воситасининг эриш, ҳатто ошқозонда ҳазм бўлиш жараёнини ҳам билса бўлади. Шу маънода, уни ҳайвон танасига ўхшатиш мумкин.

Айтиб ўтганимиздек, марказ бундай замонавий ускуналар билан тўлиқ таъминланган. Бирида дори воситалари, озуқабоп қўшимчаларнинг қаттиқ ёки юмшоқлиги синовдан ўтказилса, бошқасида кимёвий, биологик ва бошқа хусусиятлари текширилади. Марказ, шунингдек, ўз виварийсига ҳам эга. Буларнинг барчаси ишни сифатли бажариш имконини бермоқда. Сифатли хизмат эса муваффақиятга етаклайди.



Марказда бу борадаги ишларни янада яхшилаш мақсадида мутахассис-ходимлар малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу кунгача етти нафар мутахассис "Ўзстандарт" агентлигида "Фармацевтика маҳсулотларини синаш", бир нафари эса "Сифат менежменти ва ички аудит" йўналиши бўйича сертификат олгани диққатга сазовор.

Марказ томонидан у ташкил этилганидан буён Ўзбекистон Республикасининг "Ветеринария тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги қонунларига мувофиқ, давлат ветеринария хизмати тизимида рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни беришни янада тартибга солиш ва соддалаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида маҳаллий ва хорижнинг ветеринария дори воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун 422 та хулоса берилган. Шундан 300 таси рўйхатга олишга, 122 таси қайта рўйхатга олишга, 177 таси озуқабоп қўшимчаларга тегишли хулосалардир. Маҳаллий корхоналарда тайёрланаётган ветеринария дори воситаларига эса 19 та хулоса тақдим этилган.

Шу ўринда ветеринария дори воситаларининг сифати ва муомаласини назорат қилиш қанчалик зарур? У чорвачилик, умуман, чорва моллари парвариши учун қандай фойда беради, деган саволларга аниқ мисоллар билан жавоб топишга уриниб кўрсак бўлади, назаримизда. Ахир мазкур тармоққа бежиз шунчалик катта аҳамият берилмаётгандир?!

Мутахассислар фикрича, бу, биринчи навбатда, чорва молларини соғлом парваришлаш ҳамда тармоқда маҳсулдорликни ошириш орқали аҳоли дастурхонини сифатли, хавфсиз, таркибига кўра тўлақонли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Қуйидаги мисол эса уни янада яхшироқ тушунишга ёрдам беради.

Гап шундаки, аксариятимиз, асосан, қўй ва эчкиларда ўлат касаллиги ҳақида эшитганмиз, кўрганмиз ёки ўқиганмиз. Ана шу хасталик туфайли дунё иқтисодиётига ҳар йили 2,1 млрд. АҚШ доллари миқдорида зарар етказилар экан. Сўнгги 15 йилда ушбу касаллик дунёда хавотирли суръатда тарқалиб, ўта глобал муаммолардан бирига айланиб бормоқда. Бу эса унга қарши кескин кураш олиб бориш лозимлигини англатади.

Бугун юртимизда чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, қуёнчилик сингари иқтисодиётимизнинг муҳим соҳаларига катта эътибор қаратиляпти. Уларни ривожлантириш учун иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан зарур чоралар кўриляпти. Шу маънода, ветеринария соҳасидаги янгиланишлар ҳам бугунги давр талаби, десак, хато бўлмайди.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ («Халқ сўзи»).**

Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган суратлар.













Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1256. 46 745 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Содиқов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 02.15 Топширилди — 03.30 1 2 3 4 5 6